



NEW TRENDS IN THE SOLUTION OF SYSTEMIC PROBLEMS IN CENTRAL ASIA (ANALYTICAL REPORT)

Sayfiddin Juraev

Professor, Doctor of Political Science

Tashkent State University of Oriental Studies

Tashkent, Uzbekistan

ABOUT ARTICLE

Key words: Uzbekistan, Kazakhstan, Tajikistan, Kyrgyzstan, Turkmenistan, Central Asia.

Received: 14.05.22

Accepted: 16.05.22

Published: 18.05.22

Abstract: In recent years, as the extremely divisive situation in the world deepens and new regimes emerge, new promising opportunities are emerging. In this context, the effective use of modern mechanisms to protect their interests in the emerging international order on the basis of new development trends and tendencies is becoming increasingly important.

МАРКАЗИЙ ОСИЁДАГИ ТИЗИМЛИ МУАММОЛАР ЕЧИМИНИНГ ЯНГИ ТРЕНДЛАРИ (ТАҲЛИЛИЙ МАЪРУЗА)

Сайфиддин Жўраев

Профессор, сиёсатишунослик фанлари доктори

Тошкент давлат шарқишунослик университети

Тошкент, Ўзбекистон

МАҚОЛА ҲАҚИДА

Калит сўзлар: Ўзбекистон, Қозоғистон, Тожикистон, Қирғизистон, Туркманистон, Марказий Осиё.

Аннотация: Кейинги йилларда жаҳонда кечаётган ўта зиддиятли вазият чуқурлашиб бориши ва янги тартиботларни вужудга келтириб чиқариши билан, бир вақтда янги истиқболли имкониятлар вужудга келмоқда. Бундай шароитдан янги ривожланиш тенденциялари ва трендлари асосида вужудга келаётган халқаро тартиботларда ўзини манфаатларини ҳимоя қилишни замонавий механизмларидан самарали фойдаланиш муҳим аҳамиятга эга бўлмоқда.

НОВЫЕ ТЕНДЕНЦИИ В РЕШЕНИИ СИСТЕМНЫХ ПРОБЛЕМ В ЦЕНТРАЛЬНОЙ АЗИИ (АНАЛИТИЧЕСКИЙ ОТЧЕТ)

Сайфиддин Джурсаев

Профессор, доктор политических наук

Ташкентский государственный университет востоковедения

Ташкент, Узбекистан

О СТАТЬЕ

Ключевые слова: Узбекистан, Казахстан, Таджикистан, Кыргызстан, Туркменистан, Средняя Азия.	Аннотация: В последние годы, по мере углубления крайне разобщенной ситуации в мире и появления новых режимов, появляются новые многообещающие возможности. В этом контексте все большее значение приобретает эффективное использование современных механизмов защиты своих интересов в формирующемся международном порядке на основе новых направлений и тенденций развития.
--	---

КИРИШ

Кейинги йилларда жаҳонда кечаётган ўта зиддиятли вазият чуқурлашиб бориши ва янги тартиботларни вужудга келтириб чиқариши билан, бир вақтда янги истиқболли имкониятлар вужудга келмоқда. Бундай шароитдан янги ривожланиш тенденциялари ва трендлари асосида вужудга келаётган халқаро тартиботларда ўзини манфаатларини ҳимоя қилишни замонавий механизмларидан самарали фойдаланиш муҳим аҳамиятга эга бўлмоқда. Шундай механизмлардан бири бу минтақалараро алоқаларни чуқурлаштириш ва такомиллаштириш бўлмоқда. Бу борада Ўзбекистоннинг ташқи сиёсатида Марказий Осиёнинг ўрни ва истиқболи, умуман буларни жаҳондаги жараёнлар билан уйғунлиги қандай? Мамлакатимизнинг минтақавий сиёсатидаги асосий трендлари нималардан иборат? Аввалом бор вужудга келган қийинчиликдан зарарсиз чиқиш, янги вужудга келаётган хавф хатарларни олдини олишда минтақадаги ўзаро алоқалар қандай роль ўйнаши керак каби саволлар таҳлилчилар ва экспертлар, амалиётчиларни қизиқтирмоқда? Ушбу тахлилий маъруза миллий ва халқаро миқёсда фаолият юритадиган марказий Осиё билан шуғулланувчи экспертлар билан ўтказилган сўровлар, суҳбатлар ҳамда муаллифнинг эълон қилинган мақолалар асосида тайёрланди.

Ўзбекистоннинг ташқи сиёсатида Марказий Осиё энг асосий устувор йўналишида очиқлик, яхши қўшничилик, стратегик шерикчилик, ўзаро ишонч ва мавжуд муаммоларни мурося билан келишув, дипломатик йўл орқали ечиш тамойилларига устун бўлиб келмоқда ва ўз навбатида минтақанинг замонавий ҳамкорлик маконига айланишида самарали бўлмоқда.

АСОСИЙ ҚИСМ

Минтақа Ўзбекистон учун стратегик нуктаи назардан доимий равишда устуворлик касб этиб келади. Мустақилликни илк дамларданок, суверинитетни мустаҳкамлаш, хавфсизликни таъминлаш ҳамда халқаро ҳамжамиятга интеграциялашиш борасида муайян ислохотларни амалга оширди. Аммо 1990 йилдан бошлаб Марказий Осиё давлатларида, совет тузуми давридан сақланиб қолган миллий чегараларнинг миллий номувофиқлиги, йўл ва трансчегаравий дарёлар билан боғлиқ турли тизимли муаммоларни сиёсийлашуви кузатилди. Бу эса минтақанинг ўзаро интеграциясига, шунингдек, халқаро муносабатларнинг бошқа иштирокчилари билан алоқалари ривожига тўсқинлик қилиб келди.

2016 йилдан бошлаб бу йўналишда янгича ёндашувлар, муаммоларни босқичм-босқич, амалий саъй - ҳаракатлар асосида ҳал қилишга интилиш вужудга келди. Биринчидан, Ўзбекистондаги ички ва ташқи сиёсатдаги очиқлик, инновация ва иқтисодий соҳадаги либераллаштириш жараёнлари, янги ренесанс ғоясининг шакллана бошланиши ташқи сиёсатда ҳам янги тенденцияларни келтириб чиқарди. Бундан ташқари, маданий гуманитар соҳалардаги кенг ўзгаришларни юзага келиши, аҳолининг ижтимоий онги ва фаоллигидаги ўзгаришлар, албатта, ички сиёсатнинг мантикий давоми сифатида ташқи стратегиямизга ҳам ижобий таъсир қилди. Муҳими, мамлакат ички ҳаётида кузатилаётган таълим ва маърифатга янги сиёсат, фуқаролар фаоллиги ва инсон ҳуқуқлари ҳимоясига эътибор –ташқи сиёсатда ҳам бўй кўрсатди.

Марказий осийда тинчлик, барқарорлик ва хавфсизлик муҳитини шакллантириш ҳамда яқин қўшничилик ва ўзаро манфаатли муносабатларни ривожлантириш устуворлик касб этаётир. Ўзаро алоқаларни барча йўналишларда, шу жумладан, давлат раҳбарларининг мунтазам учрашувларини ўтказиш, савдо ва сармоявий ҳамкорликнинг доимий ўсиши, транспорт соҳасидаги ўзаро алоқалар муҳим тенденцияга айланди.

Минтақавий ҳамкорликда парламент дипломатиясининг тобора ривожланиб бориши ҳам ўзига хос янги институт сифатида такомиллашиб бораётган. Минтақа давлатлари парламентлари ўртасида алоқалар пайдо бўлди. Бу шаклдаги ўзаро алоқалар минтақавий ҳамкорликни кенгайтиришда парламентлар иштирокини янада оширишга қаратилган.

Қўшни давлатлар билан узоқ вақтдан буён ечилмай қолаётган ва бошқа амалий алоқаларга тўсқинлик қилиб келган черага масалаларини ҳал қилиш бўйича эришилган натижаларни стратегик аҳамиятга эга бўлмоқда бу борада чегара масалаларини сиёсийлаштиришга ва салбий тенденциялар вужудга келиши олди олинди.

Минтақа давлатлари мустақилликка эришганидан сўнг, суверен давлат сифатида ўз чегараларини делимитация ва демаркация қилишлари керак эди. Бошқача айтадиган бўлсак, ҳар бир давлат ўзига тегишли ҳудудларини географик белгилаб, кейин шу чизиқлар орқали чегарани ажратидаган барча ташкилий – ҳуқуқий ишларни амалга оширишлари керак эди. Бу жараёнда уларга эски тизимдан қолган қоидалар тўсқинлик қилди. Бир қанча муаммолар, масалан, айрим давлат ҳудудларининг бошқа давлат ҳудудида қолиб кетиши, чегаралар белгиланганда манфаатлар мос келмаслигига дуч келдилар. Бундай муаммолар тизимли хусусиятга эга эди ва узоқ вақт ечилмади ва тўпланиб борди. Натижада, минтақа давлатларининг бир бировига нисбатан ишончсизлик шаклланди. Ўзаро савдо ва барча турдаги алоқаларга салбий таъсир эта бошлади.

2016 йилдан кейин Президент Шавкат Мирзиёев ташаббуси билан бу муаммоларни ечишга киришилди. Бу ташаббусни минтақа давлатлари қўллаб қувватладилар ва биргаликда ҳал этишга киришдилар. Натижада, бугунга келиб, биринчидан, Ўзбекистон давлат чегараларининг катта қисми ўзаро мувофиқлаштирилган. Ҳар бир давлат бўйича алоҳида қарайдиган бўлсак, Қозоғистон ва Туркменистон билан 100 фоизга, Тожистон билан 99 фоиздан ортиқ, Қирғистон билан 90 фоиздан ортиғи чегаралар делимитация қилинган.

Иккинчидан, фуқораларининг ўзаро бориш келиш механизми, виза тартиблари соддалаштирилди, қўшни давлатлар билан чегараларда ўнлаб назорат пунктлари очилди. Учунчидан, чегара пунктлардаги баъзи бир тўсиқларнинг олиб ташланиб, Ўзбекистон ва Марказий Осиё давлатлари фуқаролари ўртасида алоқалар тубдан яхшиланди. Тўртинчидан, бу ҳаракатлар мамлакатлар ўртасида транспорт қатновларини тўлиқ йўлга қўйишга имконият яратди. Буларнинг барчаси минтақа давлатлари халқлари учун ўзаро иқтисодий савдо, гуманитар маданий алоқаларни ривожлантиришда катта имкониятларни очди. Чегара масалаларини кейинги сиёсийлаштиришга ва салбий тенденциялар вужудга келишига йўл қўйилмади.

Минтақавий ва умуман ташқи сиёсат стратегиясида иқтисодий омилларнинг асосий ўринга олиб чиқилди, яъни иқтисодий дипломатия вужудга келди минтақавий алоқаларда ўз аксини топмоқда мунтазам ривожланиб бормоқда.

Бу масалада ташқи сиёсатда аввалари бўлмаган янги амалиёт жуда муҳим бўлди. Гап шундаки, 2016 йилнинг иккинчи ярмидан бошлаб Ўзбекистоннинг ташқи сиёсий муносабатларининг иқтисодийлашуви вужудга келди ва бугун у жадал ривожланиб бормоқда. Бошқача айтадиган бўлсак, иқтисодий дипломатия минтақавий кўптомонлама алоқаларда ўз аксини топди. Бир томондан, Марказий Осиё давлатларининг геоиқтисодий ва геосиёсий жиҳатдан жаҳон бозорига чиқиш имкониятларининг чекланлиги, яъни оқенлардан узоқдалиги, жаҳон бозорига чиқиш учун камида иккита давлат чегарасини кесиб ўтишга мажбурлиги бўлса,

иккинчи томондан, минтақа давлатларининг иқтисодиёти кўпроқ хом ашё маҳсулотлари билан боғлиқлигига бориб тақалади. Лекин, ҳозир барчада жаҳоннинг ривожланган давлатлари билан илғор технологияларга асосланган мунособатларни ўртанишга эҳтиёж тобора ортиб бормоқда. Учинчи омил — минтақа давлатлари иқтисодиёти бир бирини тўлдирувчидир. Тўртинчи томондан, йирик давлатлар, халқаро тансимилий корпорациялар минтақада ҳамкорликни ўрнатиш ва ривожлантиришдан манфаатдор бўлса ҳам, улар учун бу каби омиллар тўсқинлик қиларди. Лекин жаҳон бозори ўта рақобатдорликка асосланган, сизши очик қўл билан кутиб тургани йўқ эди. Бундай шароитда Халқаро талаблар доирасига чиқиш ва тенглар ичида тенг бўлиш учун минтақа давлатлари ўртасида савдо иқтисодий алоқаларни ривожлантириш орқали халқаро иқтисодий мунособатларга кириш вазифаси турарди. Юқорида айтганимиздек, 2016 йилларгача бўлган даврда бу жараёнлар жуда секинлик билан ривожланди. Албатта иқтисодий интеграция бўйича анча ҳаракатлар қилинган эди, лекин бу ерда янги шароитда янги йўл топиш керак эди. Бу иқтисодий дипломатия ва амалий ҳаракатлар яъни бўлиб чиқди яъни ташқи сиёсатда иқтисодий омилнинг асосий омил сифатида олиб чиқишда муҳим ташаббускорликни кўрсата олди. Бошқача айтадиган бўлсак, иқтисодий толерантликни намойиш этди.

Афғонистон Марказий Осиё тизимининг муҳим бўғини ҳисобланади. Афғонистон бир вақтнинг ўзида Ғарб ва Осиёни, Шимол ва Жанубни боғловчи геосиёсий ва геомаданий, геоиқтисодий жараёнларда муҳим аҳамиятга эга макон ҳисобланади.

Бу борада минтақавий ташқи сиёсатда Афғонистонни Марказий Осиёдаги иқтисодий лойиҳаларга жалб этиш бўйича ҳатти ҳаракатлари истиқболли Афғонистондаги тангликни ҳал этишга ижобий таъсир этади. Энг асосийси, Марказий Осиё, Осиё ва Европани боғловчи муҳим стратегик бўғини сифатида шаклланишига янги шарт шароитлар яратди.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, Афғонистон Марказий Осиё тизимининг муҳим бўғини ҳисобланади. Афғонистон бир вақтнинг ўзида Ғарб ва Осиёни, Шимол ва Жанубни боғловчи геосиёсий ва геомаданий, геоиқтисодий жараёнларда муҳим аҳамиятга эга макон ҳисобланади. Лекин узоқ вақт давомида Афғонистондаги вазият бундай имкониятни амалга оширишга йўл бермаётган эди. Ўзбекистон замонавий шароит ва стратегик мувозатдан келиб чиқиб, Афғонистонни Марказий Осиёдаги иқтисодий лойиҳаларга жалб этиш таклифи билан чиқди ва амалга оширишга киришди. Давлат раҳбарининг бундай стратегик қарори чуқур таҳлилга асосланганлиги ва бўлиши мумкин бўлган хавф хатарларни ҳисобга олганлиги унинг ҳаётийлигини таъминлади. Бундай сиёсат нафақат Ўзбекистон ва минтақа давлатлари манфаатлари балки Европа, Россия, Хитой, АҚШ, Покистон, Афғонистон, Ҳиндистон ва Эроннинг манфаатларига мос келиши амалда ўз тасдиғини топди. Зеро, шундай улкан ҳудудда манфаатлар уйғунлигини таъминлашнинг янги модели сифатида эътироф этилмоқда.

Минтақавий ташқи сиёсат сув – энергетика соҳасида тизимли муаммоларни нафақат ечишга, балки сувдан фойдаланишнинг янги модели шаклланишига

имкониятлар яратилишти. Бунда бу йўналишдаги тизимли муаммоли ечишда “ тизимли нуқтаси” топилди.

Дарҳақиқат бу минтақа учун ўта оғриқли муаммо эди. Сабаби тизимли муаммо эди. Бошқа айтадиган бўлсак бунинг ҳал этилиши минтақадаги бошқа муаммоларни ечишнинг “асосий нуқтас”и эди. Лекин янги минтақавий Минтақавий ташқи сиёсатнинг амалийлиги ва очиқлиги минтақа давлатлари ўртасида сув – энергетика соҳасида ўтган асрнинг 90-йилларидан бошланган зиддиятли муаммоларни нафақат ечишга, балки сувдан фойдаланишнинг янги модели шаклланишига имкониятлар яратди. Бир томондан, иқлим ўзгариши натижасида сув манбаларини камайиб бориши, шунингдек, минтақа бўйича сувдан фойдаланишга бўлган талабнинг кундан кунга ортиб бориши шароитида, иккинчи томондан, Ўзбекистон иқтисодиётининг катталиги туфайли минтақада сувни энг кўп истеъмол қилишини ҳисобга олганда, бу муаммонинг ечилиши жуда катта стратегик силжиш эди.

Буни моҳиятига ва ўз вақтидагилигини куйидаги фактлар тасдиқлайди. Биринчидан, Амударё ва Сирдарёнинг юқори оқимида жойлашган Тожикистон ва Қирғизистонда баъзи объектларнинг қурилиши, масалан, Тожикистонда Роғун ГЭСи ёки Қирғизистонда Қамбарота-1, Қамбарота-2 ГЭСларининг қурилиши бўйича чигал масалалар кун тартибидан олиб ташланди. Иккинчидан, Марказий Осиёда бундан кейинги йирик гидротехник объектлар қурилишларда ҳамма томонни манфаатларини ҳисобга олган ҳолда олиб боришнинг ташкилий-ҳуқуқий, иқтисодий асосларини яратишга киришилди.

Учунчидан, Тожикистон томони Зарафшон дарёсида иккита ГЭС қурушни ўз зиммасига олди. Яъни сув-энергетика муаммоси бўйича ўзаро англашувга эришилди. Бу ҳаракатлар Марказий Осиё энергетик ҳалқасини тўлиқ форматда ишга туширишдан иборатдир. Ҳозир Ўзбекистон Қозоғистон ва Қирғизистон билан мавсумий равишда, Тожикистон билан умумий энергетик ҳалқа доирасида муваффақиятли иш олиб бормоқда. Бу, ўз навбатида, аҳоли ва саноат соҳаларининг электр энергиясига бўлган эҳтиёжини, айниқса, қиш мавсумида талаб энг юқори пайтда тўлиқ қондириш имконини бермоқда

Албатта, минтақавий ташқи сиёсат минтақада транспорт йўлаклари соҳасида ҳам истиқболли лойиҳаларга замин яратди. Бу борада “Ўзбекистон —Туркменистон — Эрон — Ўмон” транспорт йўлагининг муҳим участкасини амалга оширишга старт берилди, Амударё орқали "Туркманобод — Фороб" темир йўл ва автомобиль кўприклари очилди. Уларнинг ишга туширилиши "Ўзбекистон — Туркменистон — Каспий денгизи — Жанубий Кавказ" йўналиши бўйича Боку — Тбилиси — Карс ҳамда Грузия, Туркия, Руминия ва бошқа давлатларнинг Қора денгиз портларига чиқиш йўллари билан оралик транспорт-коммуникация магистралини яратиш ғоясини амалга ошириш имконини берди.

Бундан ташқари, 20 йиллик музокаралардан сўнг Хитой ва Марказий Осиёни Қирғизистон орқали боғловчи темир йўл қурилиши бўйича жиддий ривожланишга эришилди. Дастлабки баҳоларга кўра, ушбу лойиҳа амалга оширилганида юкларни етказиб бериш муддатлари 7-8 суткага қисқаради, Шарқий Осиёдан Яқин Шарқ ва Жанубий Европа мамлакатларига йўл масофаси 900 км. га қисқаради.

Минтақавий ташқи сиёсатининг Янги шакллаёнаётган халқаро тартиботлар билан уйғунлиги кузатилмоқда. Бунда АҚШ, Европа Иттифоқи, Хитой, Россия, Жанубий ва Жанубий - Шарқий Осиё давлатларини Марказий Осиё ҳудуди орқали боғлайдиган халқаро транспорт йўлаги янги афзалликларни, имкониятларни келтириб чиқаради.

Бундай халқаро аҳамиятга эга лойиҳаларнинг амалга оширилиши Жанубий Осиё бозорига қуруқликдан ишончли йўлак вужудга келишидан манфаатдор Хитой, Россия ва Европа Иттифоқи каби йирик халқаро савдо субъектлари учун ҳам фойдалилиги ошиб бормоқда.

Ўз навбатида, мазкур лойиҳалар икки минтақа давлатларига бирдек фойда келтиради. Айниқса, Марказий Осиё давлатлари учун транспорт ва транзит имкониятларини кенгайтириш, денгиз портлари ва жаҳон бозорларига чиқишни таъминлашга ёрдам беради. Замонавий халқаро логистика марказларини шакллантиришга йўналтирилган йирик иқтисодий лойиҳаларни биргаликда амалга ошириш глобал таъминот занжирларига чуқур интеграциялашувига хизмат қилади.

Бу жараёнлар қуйидаги афзалликларни имкониятларни вужудга келтиради. Биринчидан, юқорида айтганимиздек, бугунги кунда минтақа давлатлари денгиз портларига тўғридан-тўғри чиқиш имконига эга эмаслиги туфайли импорт қилинадиган маҳсулотлар нархининг 60 фоизига тенг келадиган сезиларли сарф-харажатлари транспорт ва транзит тўловларига кетмоқда. Юқ ташувчи субъектлар эса божхона иш тартиби номукамаллиги ва логистика ривожланмагани сабабли юкларни ташиш учун вақтнинг 40 фоизини йўқотяпти. Масалан, исталган Марказий Осиё мамлакатидан Хитойнинг Шанхай шаҳрига контейнер етказиб бериш нархи уни Польша ёки Туркиядан етказиб бериш нархидан 5 баробар қиммат.

Ушбу транзит йўналишлари ичида бугунги кунда Марказий Осиё товарларининг Эрон портлари орқали жаҳон бозорларига чиқишини таъминловчи “Шимол-Жануб” халқаро транспорт йўлаги муҳим аҳамиятга эга.

Иккинчидан, “Мозори Шариф — Кобул — Пешовар” темир йўлини қуриш лойиҳасини амалга ошириш қўшимча йўлак пайдо бўлишига ҳамда Марказий ва Жанубий

Осиё давлатларини бир-бирига яқинлаштиришга мўлжалланган темир йўл линиялари кенг тармоғини шакллантиришга ёрдам беради.

Натижада Марказий Осиё давлатлари ҳудудининг транспорт аҳамияти ошади, келажақда уларда халқаро товарлар транзитида фаол иштирокини таъминлаш имконияти пайдо бўлади. Бу эса уларни транзит йиғими каби қўшимча даромад манбаи билан таъминлайди.

Учунчидан, транспорт харажатларининг камайтирилиши яна бир муҳим ютуқ бўлади. Иқтисодчиларнинг ҳисоб-китобларига кўра, Тошкент шаҳридан Покистоннинг Карачи портига контейнер етказиш тахминан 1400-1600 АҚШ долларига тушади. Бу Тошкентдан Эроннинг Бандар Аббос портига етказишга нисбатан икки баробар (2600-3000 доллар) арзон.

Тўртинчидан, Трансафғон транспорт йўлаги лойиҳасининг амалга оширилиши туфайли Марказий Осиё давлатлари жанубий денгизларга олиб борувчи икки йўналиш транзит салоҳиятидан бирданига фойдаланиш имконига эга бўлади. Бир томондан, Эроннинг Чахбехар ва Бандар Аббос портларига, иккинчи томондан, Покистоннинг Карачи ва Гвадар портларига чиқиладиган йўлақлар пайдо бўлади. Бундай истиқбол Эрон ва Покистонда мослашувчан нарх сиёсати шаклланишига ёрдам беради ҳамда экспорт-импорт харажатларини сезиларли даражада камайтиради.

Энг асосийси, савдо йўлларини диверсификация қилиш Марказий Осиёдаги макроиқтисодий вазиятга жуда яхши таъсир кўрсатади, ташқи дунё билан савдо қилиш учун географик тўсиқларнинг давомли олиб ташланиши Марказий Осиё давлатлари умумий ЯИМни камида 15 фоизга ошириши мумкин.

Халқаро муносабатлардаги ўзгаришлар Марказий Осиё давлатлари, жумладан, мамлакатимизда илғор инновацион технологик ишлаб чиқаришни ривожлантиришга янги имкониятларни яратмоқда. Юксак технологияларга асосланган ишлаб чиқариш объеклари бўйича ҳамкорлик истиқболлари минтақа тараққитини белгилайди

Минтақавий ташқи сиёсатда саноат кооперациясини янги босқичга олиб чиқишда, бир томондан, дунёнинг ривожланган давлатлари билан, иккинчи томондан эса минтақа давлатлари билан замонавий ва истиқболли ишлаб чиқариш ҳамда хизматлар кўрсатиш соҳаси жадал ривожланиб бораётганини кузатиш мумкин. 2016 йилдан кейин ушбу йўналишда олдингидан тубдан фарқ қиладиган янги ўзгаришлар кузутилмоқда. Яъни, ўзаро иқтисодий шерикчиликда инновацион мазмунга, юқори технологияларга асосланган ўзаро ҳамкорликдаги ишлаб чиқариш корхоналари, объектларини ишга тушириш салмоғи ошиб бормоқда.

Мисол сифатида 2020 йилнинг декабрь ойида ишга тушган энг замонавий технологиялар асосида ишлайдиган “[Тошкент](#) металлургия заводи”ни келтириш мумкин. Мазкур объект тўлиқ ишлаб чиқариш қувватига чиққанда ички бозорнинг эҳтиёжларини ёпиш билан бир қаторда йилига 90 миллион АҚШ долларига тенг маҳсулотни хорижга экспорт қила олади. Бундан ташқари, корхона ишга тушурилиши қурулиш ва турдош соҳаларни ривожланишига катта туртки бери. Қўшимча беш минг иш ўринлари яратилди.

Россиянинг “Росатом” давлат корхонаси билан Марказий Осиёда биринчи марта атом электростанцияси қурулиши бошлаб юборилди. Бундай юқори даражадаги технологик хусусиятга, халқаро миқёсдаги иқтисодий комплексга Ўзбекистоннинг асосий партнер сифатида танланиши муҳимдир.

Атом энергетикаси мамлакатимизнинг кейинги ўн йилликларда энергохавфсизлигини таъминлаш имконини беради. Бундай юқори технологик Атом электро станциясида электр энергетика ишлаб чиқаришда турли захарли газлар ажралиб чиқмайди, атроф муҳитга салбий таъсир этишга йўл қўйилмайди. Шунингдек, мазкур мажмуа ижтимоий иқтисодий ҳаётнинг қишлоқ хўжалиги, медицина, қурулиш, таълим ва фан каби соҳаларини замонавий ривожланишига имкониятлар яратади.

Масалан АЭСда ҳар иш жойи қўйимча қурулиш, ишлаб чиқариш жараёнида иштирок этувчи персонал, олимлар ва мутахассислар каби иш ўринлари пайдо бўлади. Соҳада фаолият юритадиганлар замонавий табиий фундаментал фанлар физика, математика, химия, ахборот технологиялари соҳасидаги билимга, тажрибага эга бўлиши керак. Бир сўз билан айтганда замонавий техник ва технологик тафаккурга эга юқори малакали рақобатбардош мутахассислар авлоди шаклланади. Бу борадаги ишлар аллақачон бошлаб юборилган. 2019 йилда [Тошкентда](#) биринчи марта [Москва](#) Физика миллий ядро тадқиқотлари Университетининг филиали очилди. Энг асосий ушбу лойиҳа бугунги кунда энергетика соҳасида жаҳонда шаклланаётган умумий тенденцияни ифодалайди, иқтисодиётнинг юқори технологияга асосланиши жаҳон стандартлари асосида ривожланишига янги импульс беради. Ушбу тенденциялар мамлакатимиз ва минтақа давлатлари ўртасида иқтисодий алоқаларнинг янги босқичга чиқишида муҳим стратегик аҳамиятга эга.

Жаҳон сиёсатида кечаётган кескин ўзгаришлар, янги халқаро тартиботлар, янги куч марказлари вужудга келаётганлиги ҳам лбий ҳам ижобий таъсир этаяпти. Бу борада “етти ўлчаб бир кес” қондаси етмаяпти “етмиш марта ўлчаб бир кесиш” ҳам камлик қилмоқда.

Ҳақиқатан ҳам, кейинги йилларда янги глобал тенденциялар сифатида халқаро мунособатларнинг етакчи акторлари ўртасидаги қарама қаршилиқнинг таранглашиб бориши жаҳонда янги сиёсий – ҳарбий – иқтисодий – гуманитар вазиятга олиб келди. Воқеаларнинг келиб чиқиши сабаблари, унинг ривожига таъсир этаётган омиллар таҳлили шуни кўрсатадики, халқаро тартиботларда янги реаллик вужудга келмоқда. Ўз навбатида, бу жараёнлар сиёсий ўйинларнинг қоидаларига ўзгартиришлар киритилишига сабаб бўлмоқда. Бу жараёнда кучлар нисбатининг бузилиши натижасида турли минтақаларда локал можораларнинг содир бўлиши ва бундан кучли акторлар ўз манфаатлари учун фойдаланиш хавфи кучайиб бормоқда. Вужудга келаётган бундай жараёнларда ривожланиш ва хавфсизликни таъминлаш янги тактик ва стратегик вазифа ҳисобланади.

Гап шундаки, минтақаларнинг янги хавфларга қандай жавоб бера олиши ҳамда ўзаро интеграция жараёнларида ўсиш нукталари аниқланганлиги ва, ўз навбатида, уларни стратегик англаш ва шунга мос фаолият олиб бориш халқаро сиёсатнинг долзарб масалаларига айланмоқда. Бундай шароитда Марказий Оиёда интеграция жараёнларини чуқурлаштириш ва уни янги босқичга олиб чиқиш муҳим стратегик аҳамиятга эга бўлмоқда.

Шундай нақл бор: “етти ўлчаб бир кес”. Лекин ҳозирги кунда “етмиш марта ўлчаб бир кесиш” ҳам камлик қилмоқда. Халқаро сиёсий жараёнларнинг моҳияти, уларнинг мамлакатимизга таъсири ташқи сиёсий курсни белгилаш ва амалга оширишда чуқур таҳлил ва тадқиқ қилинмоқда. Айнан шу асосда тегишли қарорлар қабул қилинмоқда. Ташқи сиёсатда асосий эътибор, глобал дунёдаги вазият ва юзага келаётган ҳар қандай хавф хатардан қатъи назар, давлатимиз мустақиллиги ва суверенитети, хавфсизлиги ва барқарор ижтимоий-иқтисодий тараққиёти учун ислохотларни чуқурлаштириш ва пировардида, ҳар бир кишининг турмуш тарзини яхшилаш, фаровонлигини таъминлашга қаратилган.

Ўзбекистон минтақавий ташқи сиёсий фаолиятини ўз вақтида амалга ошириши ва унинг истиқболга қаратилганлиги минтақа давлатлари ва халқаро мунособатларнинг йирик иштирокчилари томонидан эътироф этилмоқда — бу эса жараёнларнинг чуқур стратегик таҳлил этилаётгани, мамлакатимиз ҳамда халқаро жамоатчиликнинг фикрини ўрганиш асосида қарорлар қабул қилинаётганлигини кўрсатади.

Бу ҳолат мамлакатимизда стратегик таҳлил, аналитика мактабининг шаклланганлиги, унинг рақобатбардошлигидан келиб чиқади. Бу йўналишда Ўзбекистонда конференциявий дипломатияни қандай амалга ошираётганини бир кўриб чиқайлик. Минтақада вужудга келган вазиятни чуқур ўрганиш, Марказий ва Жанубий

Осиё давлатларининг ўзаро боғлиқликлари ва бошқа муҳим долбзарб масалаларни ўзаро хал этиш мақсадида давлат раҳбарининг ташаббуси билан халқаро миқёсда конференциялар ташкил этилди. Бу конференциялар доим очиклик ва конструктивизм, юксак профессионализмга асосланиб зарур қарорлар ишлаб чиқиш учун замонавий мулоқат майдонига айланди. Тадбирларда жаҳон миқёсидаги профессионал мутахассислар иштирок этиб, ўз фикр мулоҳазаларини очик муҳокама қилиш имкониятига эга бўлдилар.

Бошқача айтганда, конференциявий дипломатия орқали мавжуд муаммоларни нуфузли халқаро тадбирлар даражасига олиб чиқилиши амалий жиҳатдан жуда самарали ҳисобланади. Марказий ва Жанубий Осиё мамлакатлари ўртасидаги ҳамкорлик истиқболлари савдо, инвестициялар, транспорт, энергетика ва инновациялар, “яшил” технологиялар соҳаларида ўзаро мунособатларни янги босқичга олиб чиқиш борасида аниқ лойиҳа ва дастурларни амалга ошириш имконини беради. Бундан ташқари, туризм, таълим, соғлиқни сақлаш, фан ва маданият соҳаларида кўп қиррали мунособатларни кенгайтириш, икки минтақа барқарорлиги ва хавфсизлигини таъминлаш юзасидан асосли таҳлил олиб боришга шароит яратади.

Шундай қилиб, биринчидан, бундай кенг қўламдаги, стратегик аҳамиятга эга бўлган, давлат раҳбарлари ва сиёсатчилар, нуфузли ва малакали экспертлар, таҳлилчилар ва олимлар, дунё миқёсида обрўга эга мутахассислар иштирокида бу каби халқаро анжуманларнинг мунтазам ўтказилиши Ўзбекистон учун ташқи сиёсатда содир бўлаётган туб ўзгаришларда улкан роль ўйнайдиган илмий-таҳлилий омилнинг мавжудлиги энг муҳим ва устувор вазифалардан бири эканлигидан далолат беради.

Иккинчидан, Россия, Хитой, АҚШ, Осиё, Европа, халқаро ташкилотлар, ва шу жумладан, халқаро ноҳукумат ташкилотларидан мутахассисларни жалб қилган ҳолда илмий амалий тадбирларнинг ўтказилиши Ўзбекистоннинг очиклиги, бағрикенглиги, оқилона минтақа сиёсат олиб бораётгани далолатидир. Энг муҳими, бу форматдаги мулоқотлар халқаро миқёсда таҳлилий, ижодий ва интеллектуал салоҳиятни бирлаштиради, ҳамда Ўзбекистон Республикасининг янги минтақавий сиёсатини амалга оширишда фаннинг юксак аҳамиятини ифодалайди. Бошқа томондан, бу каби самарадорликни янги стратегик босқичга кўтариш учун мамлакатимизнинг янги ташқи сиёсий концепциясини ишлаб чиқишга ва амалга оширишга қўмаклашади.

Учинчидан, юқорида кўрсатиб ўтилган тадбирларда йирик хорижий, минтақавий олимлар, ўз тадқиқотларининг натижаларига эга мутахассисларнинг фаол иштирок этиши мамлакатимиз халқаро даражада тан олинадиган кенг қўламли тадбирларни ташкил этишга қодирлигини ҳам англатади.

Тўртинчидан, конференцияларда ҳозирги шароитларда содир бўлаётган барча воқеаларнинг моҳияти акс эттирилди. Яъни Ренессанс янги шаклда ва янги мазмунда қайта тикланаётганлиги кўрсатади. Бундан ташқари, ҳозирги пайтда одамларнинг онгида ва дунёқарашида кескин ўзгаришлар кузатилмоқда. Оқибатда сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий соҳаларда янги йўналишлар пайдо бўлиб, улар мамлакатлар, олимлар, тадбиркорлар ўртасида ҳамкорликка чорламоқда. Бу жиҳатдан, конференциялар Ўзбекистон ташқи сиёсатидаги янги тенденцияларнинг моҳияти ва ролини тушунишга кўмаклашади. Юқорида тилга олинган масалаларнинг конференцияларда кўриб чиқирилиши ва муҳокама қилилиши муайян тавсиялар ва таклифларни ишлаб чиқиш учун мулоқот майдончасини яратди. Фундаментал илмий характердан ташқари, конференциялар амалий масалаларни ҳал қилишга йўналтирилган. Яъни, бу ўринда сўз нафақат конференциянинг роли ва аҳамияти ҳақида, балки янги шаклда ижобий жиҳатлардан фойдаланиш ҳақида ҳам кетмоқда.

Бешинчидан, Ўзбекистоннинг янги раҳбарияти Марказий Осиёда мутлақо янги сиёсий, ишбилармонлик, иқтисодий ва гуманитар маконнинг шаклланишига кўмаклашмоқда. Давлатлар ўртасида ўзаро манфаатли истиқболли алоқалар кузатилиб, улар ўз навбатида, турли соҳаларда мутахассислар ўртасидаги ҳамкорликнинг кучайтирилишини тақозо этади. Бундан ташқари, конференция жаҳон майдонида Ўзбекистоннинг ҳолис ва ижобий имиджини янада кучайтиришга хизмат қилди.

Умуман олганда, юқорида тилга олинган масалаларнинг юксак халқаро ва профессионал даражада ошқора, илмий-прагматик муҳокамаси янги тадқиқот йўналишлари, қўшма илмий-амалий лойиҳаларнинг пайдо бўлишига имкон беради. Жаҳон тажрибасини ҳисобга олган ҳолда янги ўзига хос дунёқарашлар ва ёндашувлар вужудга келиши учун қулай шарт-шароитларни яратади. Ўз навбатида, конференциявий дипломатия мамлакатимиз олимлари ва мутахассисларини дунё миқёсидаги илмий-таҳлилий ва таълимий дипломатияга жалб қилиш учун замин ҳозирлади.

ХУЛОСА

Хулоса қилиб айтадиган бўлсак, ҳар томонлама асосланган минтақавий ташқи сиёсат – хавфсизлик, ривожланиш кафолати бўлиб қолмоқда. Қисқа муддатларда ташқи сиёсатдаги изчиллик, прагматизм ва конструизм, ҳар қандай шароитда давлат манфаатларини ҳимоя қилиш стратегияси, изчиллик ва очиклик туфайли амалий минтақавий аҳамиятга эга натижаларга эришилди. Ташқи сиёсий кун тартибидаги барча тенденцияларни моҳирлик билан англаш ва миллий манфаатларни ҳисобга олиш асосида қўшнилар билан бутунлай бошқа минтақавий мулоқотни ўрнатиш стратегияси – янги минтақавий дипломатия Ўзбекистоннинг қиёфасига айланди.

Минтақавий сиёсат соҳасидаги воқеалар ривожини шуни кўрсатадики, бу жараёнлар қайтариб бўлмайдиган ва улар нафақат Ўзбекистоннинг, балки бутун Марказий Осиё минтақаси, шу жумладан Афғонистондаги тангликни ҳал этишга ижобий таъсир этади. Энг асосийси, Марказий Осиё, Осиё ва Европани боғловчи муҳим стратегик бўғин сифатида шаклланишига янги шарт шaroитлар яратди. Албатта бу жараёнлар Янги минтақавий сиёсат нафақат ўз вақтидалиги, балки вужудга келиши мумкин бўлган хавф хатарларни олдин кўра олиши ва Марказий Осиёда кейинги йилларда шаклланган янги сиёсий реалик аҳамиятини оширади.

Ўз навбатида, ёш давлатимизнинг очиқлик, яхши қўшничилик, стратегик шерикчилик, ўзаро ишонч ва мавжуд муаммоларни муросаа келишуви, сиёсий дипломатик механизмлар ва инструментлар асосида ечиш тамойилларига асосланган янги минтақавий сиёсати Марказий Осиёда барқарорлик ва хавфсизликни таъминлашдаги самарадорлигини тасдиқлайди. Шу билан бирга, минтақанинг замонавий ҳамкорлик маконига айланишида айниқса, долзарбдир.

Бугун Ўзбекистон ташқи сиёсати изчиллик ва бағрикенглик асосида ривожланмоқда. У халқаро аҳамиятга эга йирик масштабдаги дастурлар ва истиқболли лойиҳаларни ҳар томонлама асослаб жаҳон ҳамжамияти олдига қўя олиши, мавжуд муаммоларни тизимли таҳлил эта олиши, уларни амалга ошириш бўйича конкрет таклиф ва тавсияларни таклиф этиши қувонарли ҳолдир. Демак, бу билан Ўзбекистон минтақавий дипломатияси дунё сиёсатининг янги даврдаги “янги модели” сифатида вужудга келаётганлигини, ўз навбатида, халқаро сиёсатда субъективлиги эътироф этилганлигини яна бир бор тасдиқлайди.